



Назарий Билим Каб-Хунарда Қўлланилса Таълимнинг Самарадорлиги Таъминланади

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, и.ф.д.

Ҳилола Нематовна Очилова

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси, PhD

Аннотация: мақолада назарий билим каб-хунарда қўлланилса таълимнинг самарадорлиги таъминланади. Буни дуал таълим деб юртилади. Бунда бирданига билим ва каб-хунар ўрганадиган таълим эканлиги исботланган. Бу таълимни нафақат ўрта махсус ёки профессионал таълимда, балки олий таълимда ҳам қўллаш мумкинлиги ёритилган. Бунинг учун олий таълим қошида турли хўжалик юритувчи субъектларнинг бўлиши, улар талабаларнинг амалиёт ўтиши учун қулайлиги, таълим, тарбия ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш йўллари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: таълим, дуал таълим, профессионал таълим, касб-хунар таълими, олий таълим, назария, амалиёт, етук мутахассис.

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ҳозирги лобаллашув шароитида, дунё шу даражада тез ривожланмоқдаки, бугунги яратилган янгиликлар қасқа вақтда ўз моҳиятини йўқомоқда, чунки айнан шу янгилик такомиллашган ҳолда бошқа давлатларда, бошқа кишилар томонидан яратилмоқда. Бундай шароитда кутишга вақт йўқ, шошиб иш қилишга имконият йўл бермайди. Фақат орқада қолмаслик йўллари излашимиз керак бўлмоқда. Зеро ҳозирги таълим тизими ҳам бироз эскирди. Назарияни таълим муассасаларида ўрганиш, кейин амалиётга бориб тажриба ортириб ишлаш. Бу тегишли самара бергунча анча даврни ўз ичига олади. Шу туфайли ҳозирги пайтда назария билан амалиётнинг уйғунлигини таъминлаган ҳолда таълим тизимини ташкил қилишни тақозо қилмоқда. Бундай таълим одатда дуал таълим деб юртилади.

Мамлакатимизда дуал таълимни жорий қилиш борасидаги кўрсатмалар бундан бир неча йил олдин бошланган эди. Хусусан, 2019 йил 1 февралда мамлакатимиз Президенти “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига имзо чекди. Кейинчалик ушбу ҳужжат такомиллаштирилиб, дуал таълимни ташкил этиш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди. Дуал таълим янги таҳрирда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг алоҳида моддасида қайд этилди. Шунингдек, 2020 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳам қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда ҳам дуал таълим ўз аксини топган. Кўриниб турибдики, дуал таълим тизимини жорий қилиш ва такомиллаштириш масаласига алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Бу ҳам кўрсатадики, бугунги кунда дуал таълим тўғрисида тадқиқотлар олиб бориш объектив заруриятга айланмоқда. Демак ушбу мавзу ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Мамлакатимизда таълим соҳаси қадимдан ўрганилиб келинмоқда. Хусусан охириги пайтларда таълим хизматлари сифати ва самарадорлигини оширишга оид масалалари билан бир қатор иқтисодчи олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар Булар жумласига М.М.Мухаммедов, М.Э.Пулатов, А.В.Вахабов, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев, А.Ўлмасов, Б.Н.Навруз-Зода,



Ё.А.Абдуллаев, М.Х.Саидов, Б.А.Абдукаримов, Ш.Қурбанов, Ш.Ш.Шодмонов, Э.Т.Одилов, Қ.Ж.Мирзаев, К.Б.Уразов, Р.Х.Эргашев, Г.Н.Ахунова, Б.Рузметов, О.Т.Қаҳҳаров, Ж.Р.Зайналов, Н.У.Арабов, М.В.Ниязова, У.Умаров кабиларни¹ киритиш мумкин. Аммо ушбу олимлар асарларида дуал таълим масаласи деярли ўрганилмаган. Фақат охириги пайтларда бу борада айрим фикрлар А.Аранжиев, А.Авлиякулов, Н.А.Муслимов, Д.Рўзиева, Л.Абдуазимова кабилар² томонидан турли газета мақолаларида, услубий ишларда айтилмоқда. Аммо йирик тадқиқот ишлари олиб борилмаган ва улар илмий жиҳатдан ёритилмаган. Бундан ҳам кўриниб турибдики, мазкур масала бўйича тегишли ўрганишларни ўтказиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Таълим соҳасининг янги йўналишини тадқиқ қилиш жараёнида индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез каби услублардан ва ёндошувлардан фойдаланилган. Бунда асосан мантикий таҳлил усуллари ҳам қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Дуал таълим профессионал кадрларни тайёрлашда Япония, Германия каби мамлакатларда кенг фойдаланиб келинмоқда. Ушбу таълим тизимини ўзимизда ҳам жорий қилинмоқда. Бу борада мамлакатимиз раҳбари 2022 йилнинг 15 июнида аҳолини касб-хунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказиб, ундаги бир йўналиш дуал таълимни ривожлантириш масаласи қўйилди. Президентимиз таъкидлаганидек, бу соҳада ижобий тажрибалар ҳам мавжудлигини қайд этиб, “57 та профессионал таълим муассасасида Германия тажрибаси асосида, иш жойида

¹ Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнёрства в сфере образования. -М.: Книжный дом газеты «Труд», 2006.-243 с., Саидов М.Х. Олий таълим муассасаларини молиялаш. Т.:Молия, 2002.-268б. Саидов М.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования.-Т.: Молия, 2002. -332 с. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж, Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув Қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография – Т.: «Фан ва технология» нашриёти, 2007., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. “инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2021. – 256 б., Худайбердиев У.Х., Статистика. – Т.: “Фан ва технология нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 256 б., И.С. Тухлиев ва бошқалар “Туризм асослари” дарслик. Т.:«Фан ва технология» нашриёти, 2014., М.М.Мухаммедов ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.:«Фан ва технология» нашриёти 2014. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 260 бет., Рузметов Б., ва бошқалар.. Хоразм вилоятида туризмни ривожлантириш истикболлари //Актуальные проблемы туризма – 2009. Ежегодный сборник научных трудов. 137–141с., Р.Х.Эргашев Кишлоқ хужалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. ўқув қўлланма. Т.:”Янги аср авлоди”2012., Н.У.Арабов Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари (2-нашр). Ўқув қўлланма. – Т.: “ILM ZIYO”, 2017. – 344 б. Н.У.Арабов Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2017. – 272 б., О.Т.Қаҳҳаров Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 79 бет.


² Аранжиев А. Ўқитишнинг янги тизими ўқувчига ҳам билим беради, ҳам даромад келтиради. – “Халқ сўзи” газетаси 2022 йил 16 июнь 125-сон. 1-бет., Авлиякулов А. Дуал таълим принципларини жорий этиш. Модули бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: 2020., Муслимов Н.А. ва бош. Инновацион таълим технологиялари– Т.: “Сано стандарт” нашриёти, 2015 й., Д.Рўзиева ва бош.Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши, Мет.қўлл. – Т.: ТДПУ, 2013 й., Абдуазимова Л. Профессional таълим дуал таълимга ўтказилади. //

https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/professional_talim_dual_talimga_utkaziladi



Ўқитишнинг дуал таълим шакли йўлга қўйилган”³.

Бу борада айрим қарашлар ҳам шаклланмоқда. Хусусан, Абдудаббор Аранжиев дуал таълимга қуйидагича таъриф беради: “Дуал таълим, бу – машғулотнинг амалий қисми иш жойида, назарий қисми эса таълим муассасасида олиб бориладиган таълим шакли ҳисобланади”⁴. Ушбу таълим тизим орқали ишлаб чиқариш тармоқларини юқори кўникма билан тўлдиришда ўзига хос ноёб механизмдир, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат дуал таълим нафақат ишлаб чиқариш тармоқларини, балки бутун иқтисодиёт соҳасини бир вақтнинг ўзида ҳам назари, ҳам амалий жиҳатдан ўрганиб, профессионал, етук кадрлар тайёрлаш имконини беради. Буларнинг ўзаро алоқаси қуйидаги расмда ўз аксини топган (1-расм).




1-расм. Дуал таълимнинг етук мутахассисларни етиштиришдаги ўзаро боғлиқликлари

Ушбу расмдан кўриниб турибдики, етук мутахассис бўлиш учун амалиёт билан назариянинг уйғунлиги таъминланган. Аммо етук мутахассислар нафақат билим ва тажрибага, балки талаб даражасидаги маънавий салоҳиятга ҳам эга бўлиши керак. Бунинг учун таълим ва тарбия қўшиб олиб борилишини ҳам тақозо қилади. Ҳар бир мутахассис дауал таълим дипломига ёки сертификатига эга бўлгач, у маънавий жиҳатдан ҳам замонавий талабга жавоб берадиган, адолат шиори бўладиган, коррупцияга йўл қўймайдиган бўлишлиги ҳам лозим. Бундан келиб чиқиб, дуал таълим орқали дипломга эга бўлган мутахассисларда қуйидаги фазилатлар ва унсурларнинг жам бўлишлигини таъминлаш лозим бўлади (2-расм).

³ Касб-ҳунарга ўргатиш учун шароитлар кенгайтирилади. Президент Шавкат Мизиёев раислигида 2022 йил 15 июнь кунида аҳолини касб-ҳунарга тайёрлаш ва мономарказлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. – “Халқ сўзи” газетаси 2022 йил 16 июнь 125-сон. 1-бет.


⁴ Аранжиев А. Ўқитишнинг янги тизими ўқувчига ҳам билим беради, ҳам даромад келтиради. – “Халқ сўзи” газетаси 2022 йил 16 июнь 125-сон. 1-бет..



2-расм. Etuk, intellektual salohiyatli mutaxassisda shakllangan fazilat va unсурлар majмуаси

Мазкур расмдан кўришиб турибдики, инсон капитали баркамол бўлиши учун фақат назрий билим ва амалий кўникмалар билан бирга маънавий жихатдан ҳам етук, иймон-эътиқодли, бировларнинг ҳақидан кўрқадиган, турли шакллардаги хиёнат ва адлолдатсизликлардан ҳазар қиладиган бўлиши лозим. Шундагина одам биринчи галда ўзининг ва кейин бировларнинг ишончига сазовар бўлади. Айнан шундай кишиларгина жамият тараққиётини таъминлашда, унинг тақдирини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Демак, етук, интеллектуал салоҳиятли, баркамол мутахассисда шаклланиши учун анча кишиларнинг иштироки лозим бўлар экан. Буларнинг ўзаробоглиқлиги куйидаги расмда келтирилган (3-расм).



3-расм. Назария ва амалиётнинг шаклланишида лозим бўлган омиллар

Расмдан кўришиб турибдики, назария ва амалиётнинг шаклланишида ҳам бир қанча омиллардан фойдаланиш лозим бўлар экан. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бирорта кадрни (мутахассисни) жамиятга фойдаси тегадиган етук қилиб тарбиялашнинг ўзи бўлмас экан. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, жамият ўзига керак кадрни ўзи тарбиялаб олиши лозим экан. Шу туфайли битта юқори мамлакали кадрни тайёрлашга бутун жамият хизмат қилишга киришиши керак бўлар экан. Чунки бўлажак мутахассис оилада етук бўлиб етишиши лозим, мактабда тегишли билим ва одабни олиши керак. Ҳаётнинг кейинги босқичларида ҳам жамиятимизнинг у ёки бу кишилари унинг шаклланишида иштирок этади. Ҳақиқатда ҳар бир нарсанинг қайтими бор.




Яхшилик ва илғорлик шундай жамиятга яхшилик билан илғор бўлиб қайтади. Демак бирорта мутахассисни етук қилиб тарбиялаш учун етук устозлар бўлишини ҳам тақозо қилади. Бундай устозлар етишиб чиқиши учун етук жамият бўлишини, етук жамиятда етук мутахассислар етишиб чиқишини, етук мутахассислар шаклланган жамиятнинг ўзи ҳам етук бўлиши қонуниятга айланади. Булар бир-бири билан ўзаро боғлиқдир.

Етук мутахассиснинг етуклиги замон талабига тўлиқ жавоб беришида намоён бўлади. Аммо замон шиддат билан ривожланиб бормоқда. Бугунги етук мутахассис эртанги жамият талабига жавоб бераолмаслиги мумкин. Демак мутахассислар ҳам ўз малакасини муттасил ошириб боришлари лозим экан. Шундагина мутахассислар замондан орқада қолмайди ва бундай давлат дунё тараққиётидан орқада қолмайди, балки олдинлаб, илгарилаб бориш имкониятига эга бўлади. Шу туфайли замонавий кадрларни тайёрлаш бугунги Янги Ўзбекистон учун ўта муҳимдир. Замонавий кадрларни тайёрлашнинг бир йўналиши мамлакатимизда **дуал таълимни жорий қилиш** орқали бир вақтда ҳам назарий билим ва амалий мутахассисни тайёрлаб эришилиши мумкин бўлмоқда.

Энди маънавий етукликни таъминлайдиган, интеллектуал салоҳиятли мутахассисда шаклланган маънавий фазилатнинг шаклланиши хусусида ҳам айтиш мумкинки, бунда ҳам бир қанча омиллар иштирок этади. Бунда ҳам тарбия оиладан бошланади. Болаларнинг ўсган муҳити ҳам унинг таафаккури ва характерининг шаклланишида муҳим омили ҳисобланади. Бундан хулоса, боланинг ёшлигида у кимлар билан бирга бўлаётганлигига ота-она бефақ бўлмаслиги керак. Яна бир муҳим омил мактабгача таълим, сўнгра мактаб таълими, кейин касб-хунарга ўргатадиган профессионал таълим ва ниҳоят олий таълим ҳисобланади. Барчасида юқорида қайд қилганимиздек, назари ва амаалиётнинг уйғунлиги ҳам таъминланиши лозим бўлади. Ушбу жараённинг тизимли занжири куйидаги расмда ўз аксини топган (4-расм).


Расмдан кўриниб турибдики, ҳар тамонлама етук, интеллектуал салоҳиятли мутахассиснинг шаклланиш таълимнинг маълум бир босқичи билан чегараланмас экан. Бунда барча тизим босқичлари мақсадга мувофиқ тарзда тўғри шакллантирилиши лозимлигини тақозо қилади. Бундан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун таълим тизимини ҳар томонлама такомиллаштиришимиз лозим экан. Қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ҳозиргача дуал таълимни профессионал таълимда, яъни касб-хунарга ўргатишда қўллаш тавсия қилинмоқда. Ҳозирги кунда ушбу таълим усулидан кенгрок фойдаланиш ҳам мумкин.



4-расм. Етук, интеллектуал салоҳиятли мутахассиснинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ўзаро боғлиқлик занжири

Тадқиқотлар натижасида олий таълим муассасаларида ҳам дуал таълим тартибидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деган хулосага келдик. Чунки олий таълимда ҳозиргача аосий эътибор назарий масалаларга қаратилади. Бу албатта олий таълим олувчи учун жуда керак. Бироқ бир вақтнинг ўзида у амалий кўникмаларни ҳам шакллантириб борса олий таълим дипломи билан бирданига амалиётда ҳам ишлаб кетиши мумкин бўлади. Буни олий таълимда амалга ошириш учун “Таълим кластер”ларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни иккита йўналиш бўйича амалга ошириш мумкин: Биринчидан, олий таълим қошида мутахассисликка мос корхона ва ташкилотлар очиш лозим бўлса, иккинчиси, олий таълим тайёрлаётган мутахассисларга мос тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида фаолиятни ҳам йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда олий маълумотли кадрлар бирданига ҳам амалиётни ўрганиб қўлига диплом олади.

Олий таълим тизимда дуал таълим машинасозлик, муҳандислик, архитектура ва қурилиш, иқтисодиёт тармоқлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларида, туризм, ижтимоий таъминот каби соҳаларда қўлланилиши мумкин. Юқорида таъкидланганидек, ҳар бир олий ўқув юрти йўналишлари бўйича ўзининг тасарруфида тегишли корхона ва ташкилотларни ташкил қилиши мумкин. Масалан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти туризм бўйича мутахассислар тайёрлайди. Институт қошида туристик фирма фаолият кўрсатар эди. Сервис соҳасига оид овқатланиш корхонаси мавжуд. Бунда таъомларга буюртмаларни олиш ва тайёрлаш бўйича рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда илғор усулларни қўллаган ҳолда иш юритади. Банк иши йўналиши бўйича ҳам Самарқанд шаҳрида жойлашган тижорат банклари билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ушбу ҳолатлар дуал таълимни жорий қилиш ва ривожлантириш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ҳозир олий ўқув юртларига академиу мустақиллик берилаётган бир паллада ушбу механизмдан тўлиқ фойдаланиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.



Яна бир муҳим жиҳат. Академик мустақиллик берилган олий ўқув юртларига юқоридан қатъий квоталар белгилашни бироз қуйига мослаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда олий ўқув юрти жойлашган айрим ҳудудларда кадрларга бўлган эҳтиёж баъзи мутахассисликлар бўйича ортиқча режалаштирилади. Шу бюилан бир паллада айрим мутахассисларга етишмай қолган ҳоллари ҳам учраб турмоқда. Шу туфайли мутахассисликларни ва уларнинг сонини ҳудуд ва мамлакат эҳтиёжидан келиб чиқиб режалаштириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу таклифларимиз, ўйлаймизки бугунги кун талабига тўлиқ мос келади.

Хулоса ва таклифлар. Дуал таълимнинг мазмуни, уни ташкил қилиш йўллари, унинг бир вақтнинг ўзида билим ва каб-ҳунар ўргатиш каби ижобий жиҳатларини тадқиқ қилиб бир қанча хулосаларга келинди ва илмий-назарий ва амалий аҳамиятга молик тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Биринчидан, ҳозирги замон талабидан келиб чиқиб, барча талабларга жавоб берадиган таълим сифатида дуал таълим тизими, деб баҳолаш, уни мамлакатимиздаги барча таълим босқичларига жорий қилиш масаласини ўрганиш объектив зарурият, деб қабул қилишни тавсия қиламиз.

Иккинчидан, дуал таълимнинг етук мутахассисларни етиштиришда назария билан амалиётни бирга олиб бориш, ҳафтанинг бир қисмини назарияга ва яна бир қисмини амалиётга йўналтириш билан биргаликда, барча жараёнларга тарбияга, юксак маънавиятнинг шаклланишига ҳам катта аҳамият бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.


Учинчидан, мамлакатимизда етук, интеллектуал салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашни таълим тизимининг барча босқичларида амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бунда амалиёт билан назариянинг уйғунлигини таъминлаш билан бирга, маънавий етук иймон-этикодли мутахассисларнинг шаклланишига таъсир этувчи барча омиллардан тизимли равишда фойдаланиш ҳам ҳар бир мутахассис ва жамият учун ҳам фойдали, деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, олий таълим соҳасида ҳам дуал таълимни жорий қилиш ва уни амалга ошириш учун иккита йўналиш бўйича амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз. Биринчидан, олий таълим қошида мутахассисликка мос корхона ва ташкилотлар ташкил қилиш лозим бўлса, иккинчиси, олий таълим томонидан тайёрлаётган мутахассисларга мос тегишли корхона ва ташкилотлар билан шартнома асосида фаолиятни ҳам йўлга қўйиш учун таълим кластерини ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Агар бизнинг тавсияларимиз амалга ошса, мамлакатимизда ўқув муассасаларини битириш билан бирга етук мутахассислар бирданига етишиб чиқади ва улар иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда самарали фаолият кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Ушбу ҳолат мамлакатимизнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бирга унинг рақобатбардошлигини ҳам ошириб боради.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Респубилкасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637 қонуни. (Янгидан қабул қилинган) // <https://yuz.uz/news/talim-togrisidagi-qonun-imzolandi>.
2. Ўзбекистон Респубилкаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. // “Халқ сўзи”, 2019 йил 9 октябрь
3. Ўзбекистон Респубилкаси Президентининг 2019 йил 1 февралда “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали



- ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // “Халқ сўзи”, 2019 йил 2 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 7 ноябрь.
 5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // “Халқ сўзи”, 2020 йил 29 декабрь
 6. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж, Пардаев О.М. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув Қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2014. – 384 б.,
 7. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Таълим хизматлари ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари. “Инновацион ривожланиш нашриёт матбаа уйи”, 2021. – 256 б.,
 8. Худайбердиев У.Х., Статистика. – Т.: “Фан ва технология нашриёт-матбаа уйи”, 2021. – 256 б.,
 9. Мухаммедов М.М. ва бошқалар. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. Т.:«Фан ва технология» нашриёти 2014. -
 10. Уразов К.Б., Худайбердиев Н.У. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг долзарб муаммолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 260 бет.,
 11. Қаҳҳаров О.Т. Олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 79 бет.